



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 184 (8424).

27 сентябрь, 1984 йил

ПАЙШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети 1984 йил 8 сентябрь кунин «Курувчи шарафли тўғрисида сўз» сарлавҳаси остида эълон қилинган «Курувчи бригадаларнинг «Правда» газетасига ёзган хати тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда қайд этилгани, уйсозлик корхоналарининг бригадалари Вологоддан Дятлов, Ростов-Дондан Книто, Жамбулдан Қарибозов, Запорожскдан Майстренко ва Красноярскдан Налестини ўртоқлар барпо этилаётган уй-жой бинолари сифатини тубдан яхшилаш, бу ишда қурилиш бarchа қатнашчиларининг масъулиятини ошириш, халқ мулкига омилкорлик билан муносабатда бўлиш зарурлиги ҳақидаги масалаларни тўғри қўтариш чикшиган.

Курувчиларнинг матбуотда босилиб чиққан хати ишчилар синфининг оғиллигини ва сиёсий етукилиги муттасили ўсиб, меҳнаткашларнинг ўз граждандлик ва профессионал бурчини бажариш учун масъулият тўғрисида ошиб бeтганлигини, хўнасизликка нисбатан мурасанлигидан, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқларни амалга ошириш соҳасида зарбдорларча меҳнат қилишга интилаётганлигидан далолат беради.

КПСС Марказий Комитети курувчи бригадаларнинг совет кишилари янги уйларга қўчиб кирадиган қўшларда пардозлаш ва сантехника ишлари пала-партиш бажарилганлигини, қават-тавлари ободонлаштиришда кўп ишлар охирига етказилмай чалла ташлаб кетилаётганлиги уларнинг қайғитини бузётганлигидан ташвишланганликлариға қўшларда, Мақтаблар, боалар муассасалари, савдо ва маънавий хизмат корхоналари қурилиши қўшнча орқала қолмоқда. Давлат ўй-жой проблемасини ҳал этишга сарфлаётган талайгина маблағлар ва моддий-техника ресурсларидан совет кишиларининг фаровонлигини ошириш учун ҳаммиша ҳам етарлики самара билан фойдаланилаётгани йўқ.

Қарорда уй-жой-граждан қурилиши сифатини тубдан яхшилаш аҳоли кенг табақаларининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган гомт муҳим итисодий, ҳўжалик ва социал вазифа эканлиги таъкидланган.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикаларининг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка, область, округ, шаҳар ва район советларининг ижроия комитетларига таъминотчилик, оммавий-сиёсий ишларни ҳамда партия билан ҳўку-

матнинг шу масалага доир қарорлари бажарилиши устидан контроллини кўчаптириш таъкид этилди.

КПСС Марказий Комитети бригадалар кўтарган масалаларга муҳим аҳамият бериб иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига қурилишнинг, қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари корхоналарининг, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтларининг бошлангич партия ташкилотларига хатин меҳнат коллективларида, ҳар бир бригадала кенг муҳокама қилишни тавсия этди. Тармоқнинг бarchа меҳнаткашлари қурилиш сифатини оширишга отлангилсин. Улар меҳнатга оғил муносабатда бўлиш, ўз касбидан фахрланиш, уй-жойлар ва социал-маънавий объектлар қурилиши юзасидан 1984 йилги ҳамда ўн биринчи беш йиллик план лойиҳаларига нисбатан ишчилик мажбуриятлари сифатли бажарилиши учун масъулиятни ҳис этиш руҳида сабот билан тарбиялансин. Бу ишни ўтказиш чоғида ўртоқ К. У. Черненконинг «Маҳорат билан бажарилган меҳнатнинг обрў-этиборини, сифатли ишнинг обрў-этиборини ошириш керак» деган қўрсатмаларига амал қилисин. Қурилишнинг юқори сифатли ҳар бир ишчининг, ҳар бир мухтассис ва раҳбарнинг, бarchа меҳнат коллективларининг шарафли иши бўлиб қолиши керак.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош ва автоном республикаларининг Министрлар Советлари, СССР Госстрой хузуридаги давлат граждан объектлари қурилиши бошқармаси, маҳаллий Совет органлари зиммасига уй-жойлар ва социал-маънавий ҳамда маънавий объектлар қурилишидаги камчиликлар, нуқсонлар билан, сифатсиз бажарилган ишлар ва тугалланмаган ободонлаштириш ишлари билан фойдаланишга тошйирлишга йўл қўймайдиган қатъий тартиб ўрнатиш мажбуриятини юклди. Ушбу масалалар юзасидан амалдаги қўнуқларга қатъий риоя этилиши учун давлат қабул комиссияларига нисбатан талабчанлик кўчайтирилсин. Ил мубайнида уй-жой бинолари ва бошқа социал-маънавий объектлар бир маърабда фойдаланишга тошйирлиши таъминлансин. Уй-жойларни фойдаланишга тошйирлиш чоғида қўпдан-қўп ишлар қайтадан бажарилишга, бракка ва давлат маблағларини унумсиз сарфлашга олиб келаётган штурмчиликка бутун чоралар билан барҳам берилсин.

Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда министрликлар ва илдорларга, СССР Госстройига, СССР Госстрой хузуридаги Давлат граждан объектлари қурилиши бошқармасига, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига ом-

мавий уй-жой-граждан қурилиши сифатини ошириш, бунинг учун уш юқори сифатли конструкциялар, материаллар ва буюмлар билан таъминлаш, меҳнатий ташкил этилиши, ишлаб чиқариш ни инженерлик жиҳатидан тайёрлашни яхшилаш, бригада пудратни жорий этиш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб амалга ошириш тошйирлиди. Уй-жой биноларини гарантияланган сифат паспорт билан тошйирлиш кенг жорий этилсин.

КПСС Марказий Комитети қурилишнинг, қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари корхоналарининг раҳбарларининг ишчиларнинг профессионал маҳоратини ошириш учун зарур шароитларни вужудга келтиришни, меҳнат иттизомини, технология ва ишлаб чиқариш иттизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, юксак сифат учун ижрокчиларни рағбатлантириб, ишда бракка йўл қўйётган кишиларга нисбатан қатъий талабчан бўлишни талаб этди. Давлат стандартларига, нормаларга, техник шартлар ва лойиҳаларга сўзсиз риоя этилиши, қурилишларга конструкциялар, материаллар ва комплект лочви буюмлар етказиб бериш юзасидан шартномалардаги мажбуриятлар бажарилиши таъминлансин.

СССР Госпланига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, СССР Госстройига, СССР Госснабига, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига, СССР Госстрой хузуридаги давлат граждан объектлари қурилиши бошқармасига бошқа мафзадор министрликлар ва илдорларнинг иштирокида планлаштиришни ва бригадаларнинг материал-техника таъминотини, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш, қурилишнинг рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш тўғрисида қўрсатмалар берилди. Қурилишга баҳо бериш мезонлари ишлаб чиқилсин. Уй-жой-граждан қурилишини узлуksиз инки йиллик планлаштиришга ўтиш жадаллаштирилсин.

СССР Госстрой билан СССР Юстиция министрлиги стандартлар, нормалар ва қондаларга риоя этилиши учун, шунингдек объектларнинг фойдаланишга тўғри қабул қилиниши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кўчайтириш тўғрисидаги таъкидларни тайёрласин.

Марказий ва маҳаллий газеталар, журналлар, телевидение ва радио редакцияларига қурилиш сифати ва меҳнат маданиятини ошириш борасида меҳнат коллективларининг, ишлаб чиқариш илгорларининг ижобий тажрибасини кенг таритиш тавсия этилди. Мавжуд камчиликлар қатъий билан очиб ташлансин, ишлар пала-партиш бажарилганлигининг конкрет айбдорлари қўрсатилсин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● Областимиз далаларида пахта йиғим-терими ҳал қилувчи босқичга кирди. Техникадан ва ишчи кучларидан омилкорлик билан фойдаланаётган районлар, ҳўжаликлар тобора маррага яқинлашмоқдалар. Ташаббускор коммунистик райони пахтакорларига ҳамма қойил қолмоқда. Улар кунлик ўсишда байроқдорлик қилмоқдалар. Ўтган кун бу районда йиллик планининг 4 процентидан ошириб пахта тайёрланди.



АЗАМАТЛАР ҲОРМАНГИЗ

● ЯНГИЎЛ. Абдумажид Аҳмедов бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари «Интернационал» колхозида пахта йиғим-терими бўйича ўтказилаётган бригадалар ўртасидаги мусобақада мавсум бошидан буён пешқадамликни қўлга бермай келатди. Коллектив азаматлари ўтган кун йиллик планининг 11 проценти миқдорда пахта тайёрлаб, кунлик ўсишда ҳам энг юқори натижага эришдилар. Бригада механизатори Умрбек Сариев ўз агрегати бункеридан 7,5 тонна пахта тўкиб, бу муваффақиятга саломлик ҳисса қўшди. Коллектив заршунослари йиллик план ва мажбуриятларни тезроқ урдалаш учун тегири сўратини янада ошириб боришпти.

ЯНАДА КУЧАЯДИ

● ОҚЎРҒОН. Кеча район далаларида 300 «зангори кема» унумли ишлатилиб, 1000 тоннадан ортиқ пахта териб олинди. Пахта йиғим-теримида «Ленин» ва «Наврий» номили совхозлар пахтакорлари карвонбошлик қилмоқдалар. Бу ҳўжаликларда сўрат тобора кўтарилиб бораётди. Теримни жадаллаштиришда механизаторлар катта роль ўйнамоқдалар. «Ленин» колхозидан Болтабой Кесибоев, Чинпўлат Норбутаев, С. Сегибозов номили совхоздан Николай Адамков, Абдунаби Маджаримовлар кунига ўз агрегатлари ёрдамида 11—13 тоннадан пахта териб, мусобақада пешқадамлик қилишпти.

ҲАВАСКОРЛАР — ПАХТАКОРЛАРГА

● БўКА. Район маданият бўлими агитбригадаси коллективни график бўйича дала меҳнаткашларига намуналик хизмат қўрсатмоқда. Ўтган кун бу агит-

бригада Минчурин ва Тимирязев номили колхоз пахтазорларида бўлиди. Агитбригаданинг раҳбари, район «Билим» жамияти лектори Мухиддин Соленин шун куннинг энг долзарб мавзусида ўқиган лекциясини пахтакорлар қизиқиб тинглашди. Ҳаваскор санъаткорлардан Мунаввар Маназарова, Сандра-сул Саиджаримов, Иброҳим Ҳантбоев, Зокир Соҳибназаровлар ижро этган кўй, қўшнча ва рақслар ҳам бarchага манзур бўлди.

130 ТОННАДАН ОШДИ

● ШУ РАЙОНДАГИ Тимирязев номили колхозда «зангори кема»лар юксак унум билан ишлатилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар кун йиллик планининг 9 процентидан ошириб «оқ олтин» тайёрлашга эришилмоқда. Аброр Асқоров, Ҳасан Ҳожиёв, Уктам Турсунқулов сингари тажрибали «пўлат от» суворийлари ўз агрегатлари бункеридан 20 тоннадан ошириб пахта тўкиб, хирмонга баракка юритяптилар. Мусобақа пешқадами Ҳасан Ҳожиёвнинг ҳозиргача терган пахтаси 130 тоннадан ошиб кетди.

ҲАМИША СОҒ БЎЛИНГ

● ПИСКЕНТ. Пахта йиғим-терими бошлангандан буён район марказий кассалонасининг иккита кўча амбулаторияси пахтакорларга хизмат қўрсатаётди. Улар график бўйича ҳўжаликларда мунтазам бўлишади. Ўтган кун шифокорлар Охунбобоев номили колхознинг Норинбой Ҳасанов бошчилик қилаётган бригадаларида хизмат қўрсатди. Хирург Асқар Ҳайдаров, терапевт Екубожон Олимжонов, тиш доктори Гулия Ўтабонаевлар дала меҳнаткашлари саломатлигини қўздан кечирдилар. Амбулатория ходимлари шу кунгача 1400 кишига хизмат қўрсатдилар.

● Галаба, Оққўрғон, Бўка районларининг деҳқонлари ҳам бўш келмаётирлар. Бу районларда ҳам ўтган кун йиллик планининг 4 проценти ва ундан ошириб пахта йиғиб-териб олинди.

● Лекин Пискент, Бекобод районларининг деҳқонлари кунлик ўсишда ҳозирча бироз орқда қолмоқдалар. Ишонамизки, бу районлар ҳам бarchа куч, имкониятларни сафарбар этиб, сўратини кўчаитирадилар.

● Теримда илгорларга тенглашинг!

КАРВОНБОШИ ОЛҒА ИНТИЛАДИ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Охунбобоев номили колхоз пахтакорлари далаларда чинакамига жасорат намуналарини қўрсатишмоқдалар. Улар ўтган кун йиллик планининг 8,6 проценти миқдорда «оқ олтин» тайёрлаб ўзига хос рекорд қўйдилар. Мавжуд 24 та терим машинасининг ҳар бири билан ўртача 11,7 тоннадан пахта терилди. Ҳўжаликнинг Қўниш Йўлдошев, Турғун Этамбердиев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг заршунослари мусобақада пешқадамлик қилишпти. Рустам Абдураззоков, Зарифжон Рўзиматов сингари «пўлат от» суворийлари 15—16 тоннадан пахта териб, бarchага ибрат бўлмоқда. Бу фидокорларнинг ҳозиргача уйган «оқ олтин» хирмонлари 95 тоннага етиб қолди.



ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ

26 СЕНТЯБРГАЧА	БЎЛГАН			
МАЪЛУМОТ				
(Планига нисбатан процент ҳисобида)				
Биринчи устун—районлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машина да терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён:				
Коммунистик	4,30	23,63	4,87	24,81
Галаба	4,21	21,80	4,52	20,94
Чиноз	3,00	20,89	1,68	4,90
Бўка	3,91	20,11	4,04	16,41
Оққўрғон	4,07	19,98	4,43	16,33
Янгийўл	2,87	18,78	2,25	7,47
Бекобод	2,58	14,95	1,69	4,03
Пискент	2,46	13,34	1,88	5,72
Ўрта Чирчиқ	3,11	12,95	3,27	11,17
Область бўйича:	3,41	18,16	3,26	12,66

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БҮЙРУҒИ

1984 йил 27 сентябрь. № 202 Москва шаҳри.

БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1984 ЙИЛ ОКТЯБРЬ—ДЕКАБР ОЙЛАРИДА СССР ҚҲРОЛЛИ КҲЧЛАРИ САФЛАРИДАН БЎШАТИШ ВА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА.

СССРнинг «Умумий Ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонунига мувофиқ БҮЙРУҒ-МАН:


1. Ҳақиқий Ҳарбий хизмат муддатини 1985 йилнинг 1 январига тугайдиган Ҳарбий хизматчилар 1984 йилнинг октябрь-декабрь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий Деңиз Флоти, чегара ва ички қўшинларнинг сафларидан запаса бўшатилинсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1-бандига мувофиқ Ҳарбий хизматчилар запаса бўша-

тилиши муносабати билан қақирқ кунига 18 ёшга тўладиган, қақирқ муддатини кечиктириш ҳўқуқига эга бўлмаган граждандар, шунингдек қақирқини кечиктириш муддатини тугатган катта қақирқини ёшдаги граждандар Совет Армияси, Ҳарбий Деңиз Флоти, чегара ва ички қўшинларга ҳақиқий Ҳарбий хизматга қақирқилсин.

3. Буйруқ бarchа роталар, батареялар, эскадрилья ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР Мудофаа Министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. УСТИНОВ.



ГАЛАБА районидида «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев бошлқ бригада заршунослари юбилей йилида 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектардан 50

центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олиш учун ганкият кулларининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилашптилар. Бригада бошлиғи Э. Алиев ўғли Абдуқодир билан ҳосилининг 270 тоннаси-

ни машиналар ёрдамида териб олишга сўз берган.

Суратларда: илгор пахтакор Э. Алиев ўғли билан. Бригада пахтазорларида ҳосили машиналар ёрдамида териб олиш.

А. Абалин фотолари.

МУСОБАҚА-МЕҲНАТ ВА ТАРБИЯ МАКТАБИ

УМУМДОРЛИКНИ ОШИРИБ, ТАННАРХНИ КАМАЙТИРАЙЛИК

РЕЗЕРВЛАР КАТТА БОЙЛИК

ОБЛАСТИМИЗ саноат корхоналарининг коллективлари ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини ҳамда Совет халқининг Улуг Ватан урушидаги жаҳоншумул тарихий ғалабасининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ни тобора авж олдиришмоқда. Деярли барча ишлаб чиқариш коллективлари бу меҳнат беллашувида фаол қатнашмоқдалар. Улар давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришда, ўз ишларининг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш йўлида сиқилдириш, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Бу ўз навбатида индустриализм ходимлари меҳнати натижасининг ой сайин салмоқли бўлишига олиб келмоқда. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, шу йилнинг ўтган саники ойлиги ҳам саноат соҳасида яхши янгулдири. Эл-юрт олдида берилган ваъда ошириб адо этилмоқда.

Фикримизнинг далили учун қуйидаги рақамларни келтириш мумкин. Ўтган ойлар давомида ишлаб чиқарилиб, қўшимча реализация қилинган саноат маҳсулоти ҳажми 53 миллион 132 минг сўмликни ташкил этди. Бу мажбуриятда назарда тутилгандан 13,2 процент кўпдир.

Саноатчиларимиз бу муваффақиятга кўпчилик шахрлар ва районлар корхоналари коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ўларда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, қўл меҳнати сарфини камайтириш, илгор тажриба ва иш усулларини кенг жорий қилиш, янги техника ва технологик жараёнларни қўланиш туфайли давлат планлари ортиги билан бажарилипти.

Айниқса, республикамиз пойтахти Тошкент, Ангрн, Бекобод, Янгйўл, Охангарон шаҳрлари, Калинин, Оржоникиде, Тошкент районлари индустрияси ходимларининг меҳнат натижалари кўнгиладигек бўлапти. Улар социалистик мажбуриятларни ҳам ортиги билан адо этмоқдалар.

Масалан, Тошкент шаҳри бўйича ваъда 25,2 процент ортиги билан адо этилди. Ангрнда бу кўрсаткич 200 процентни ташкил этди. Охангаронда эса мажбуриятда назарда тутилгандан 2,8 баравар, Бекободда 2,7 баравар, Янгйўлда 3,4 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилиб ва реализация қилинди. Айниқса, Калинин райони саноатчилари мажбуриятни бажаришда юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар ўтган саники ойда мажбуриятдаги 1 миллион 334 минг сўмлик ўрнига қўшимча 8

миллион 473 минг сўмлик маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бердилар. Бу билан ваъдани 6,4 баравар ортиги билан адо этишди.

Областимиздаги кўпгина бирлашмалар ва корхоналар коллективлари меҳнат уюмдорлигини пландагидан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш юзасидан бошланган умум-халқ ҳаракатида актив иштирок этмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар бу муҳим кўрсаткичлар бўйича белгиланган марраларини муваффақиятли ағдалаштиришди.

Охангарон, Наримонов, Янгйўл шаҳрлари, Ёўстонлик, Калинин, Оржоникиде районлари уюмдорлигини оширишда яхши натижаларга эришдилар. Бу кўрсаткич бўйича планининг

ОЙЛИК ИҚТИСОДИЙ ОБОЗ

бажарилиши уларда 103,6 процентдан 111,7 процентга бўлди. Айрим шаҳрлар ва районлар товар маҳсулотини таннарихини камайтиришда яхши натижага эришмоқдалар. Бу соҳада Бекобод ва Ангрн шаҳрлари, Пискеит, Калинин районлари саноатчилари бошқаларга намуна бўлишди. Уларда маҳсулот таннархининг камайтириш 0,5 процентдан ошириш ташкил этмоқда. Ўнлаб корхоналар шу инки муҳим кўрсаткич бўйича топшириқларнинг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлашди.

Ленин областимиз саноатчилари фаолиятида жуда кўп камчиликлар борлиги кўзга ташланади. Жумладан, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳрлари, Охангарон, Бекобод, Ёўна, Ғалаба, Ёрта Чирчиқ районлари маҳсулотни реализация қилиш ҳажми бўйича планини урдаламадилар. Бунинг оқибатида ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилиб, айниқса, Олмалиқ химия заводи, Чирчиқ «Электротехпром» ишлаб чиқариш биришмаси, «Чирчиксельмаш» заводи, «Олмалиқ мебель комбинати» ишлаб чиқариш биришмаси, Янгйўлдаги луб заводи коллективлари жуда ордада қолдилар. Улар давлатга белгилангандан анча кам маҳсулот етказиб берди.

Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиш ўтган йилдаги қараганда бир мунча яхшиланди. Бироқ, ҳамоно давр талаби даражасида эмас. Яъни бу муҳим кўрсаткичда 100 процентга эришилмапти. Оқибатда миқдорлар кўпгина машина-механизмлар, қўрилиш мате-

риаллари, кенг истеъмол товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, хомашё шартномада белгилангандан кам жўнатиляпти. Бу истеъмолчи бўлган бошқа корхоналар коллективлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юбилей йили янгуланишига бир квартал қолди. Шундай экан мавжуд камчиликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун таъсирли чоралар кўриш керак. Жўлардаги партия ташкилотлари, совет, хўжалик органлари ҳар бир меҳнат коллективни фаолияти билан яқиндан қизиқишлари, улар эришган ютуқларини мустаҳкамлаш, йўл қўйган нуқсонларининг олдини олишда ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим. Бунинг учун аввало социалистик мусобақани янада авж олдириш, коллективлар меҳнат гайратини улар зиммасига юклатилган вазифаларининг ва олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига сафарбар этишлари даркор. Резервларни ишга солиш билан саноатимиз ходимлари меҳнати натижасининг янада баракали бўлишига эришиш мумкинлигини доим едда сақлаш керак.

Шаҳар партия комитети йил бошида завод ва фабрикаларда бу соҳада олиб борилаётган ишларни назорат қилиб бориш, иш уюмнинг кўзда тутилгандан ҳам юқори бўлишини таъминлаш учун бир қатор тадбирлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва автоматлаштириш йўлига қўйиш, қўл кучи сарфини камайтириш, асбоб-ускуналарнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш назарда тутилган эди. Ишнинг шу асосда ташкил этган қўшлар корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлиги анча ортди.

Меҳнат уюмдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш бўйича белгиланган марраларни муваффақиятли ағдалаштириш бўлибди. Бунинг натижа-сида ўтган саники ой мобайнида 6 миллион 805 минг сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрланди. Меҳнат уюмдорлиги кўзда тутилгандан 2,1 баравар кўп ортди. Маҳсулот таннархини камайтириш плани ҳам тўла урдаланди ва 200 минг сўмдан зиёд иқтисодий фойда олинди.

Ўн биринчи беш йиллик планини тўрт ярим йилда бажариш ташаббуси билан

меҳнат уюмдорлигини планда ташқари бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча ярим процент камайтириш юзасидан бошланган умум-халқ ҳаракатида шахримиз саноатчилари ҳам қизғин иштирок этмоқдалар. Ўлар бу муҳим партияли топшириқни амалга ошириш учун зарбдорона меҳнати кун сайин авж олдиришмоқда.

ришимиз мумкин. Заводда ҳар ўн кунда ишлаб чиқариш воситалари техник қаровдан ўтказилиб, зарур бўлса асбоб-ускуналар ремонтдан чиқариб бориляпти. Бунинг натижасида мавжуд

Металл пластмасса, колбаса, биохимия заводлари ва бошқа қатор корхоналарда ҳам меҳнат уюмдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайти-

риш соҳасида кўнгиладигек натижаларга эришилди. Уларда уюмдорлигининг пландагидан ташқари ортиши 4-6 процентни ташкил этмоқда.

Бироқ, барча саноат корхоналарининг шу соҳадаги ишнинг кўнгиладигек деб бўлмади. Айрим завод ва

фабрикалар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини тўла урдаламайдилар. Корхоналар раҳбарларининг планларининг бажарилиши ҳақида етарли қайғурмаётганликлари ва иш паронини яхшилашга лозим даражада эътибор бермаётганликлари бунга сабаб бўлмоқда. Уларда социалистик мусобақа шартларига тўла риоя этилмапти. Айни кунларда мебель фабрикаси ва 8-ғилит заводлари бошқармасида шундай аҳвол ҳукм сурмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида халқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори саноатчилар олдида турган муҳим вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Шаҳар партия комитетида шу кўрсатмалар асосида амалга оширилгандан вазифалар белгилаб, саноат корхоналари коллективлари фаолиятига раҳбарлик кучайтирилмоқда.

Ҳар бир меҳнат коллективиде уюмдорлигини ошириш, таннархини камайтириш ва маҳсулот сифати яхшилаш учун қўшимча резервлар ҳақида ички имкониятлар ишга солишмоқда. Саноатчилар ўз олдларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажариб, республика ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бор тажриба, маҳоратларини аямаяптилар. Шу туфайли барча ерда иш билан сўз бирлиги таъминланишига эришилди.

Э. НУЛДОШЕВ, Янгйўл шаҳар партия комитети саноат бўлимининг инструктори.

• ЮБИЛЕЙГА МУНОСИБ СОВҒА • ВАЪДА БЕРДИНГМИ, АЛБАТТА БАЖАР • САККИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ? • НУР-ХОНА ҚУРИЛИШИДА ҚИЗГҒИН ПАЛЛА • ҚАЧОНГАЧА ОРҚАДА ҚОЛАСИЗ?



ЗАРБДОР ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИДА

Янги Ангрн ГРЭСининг 300 минг киловатт қувватли биринчи энергоблоти генераторини монтаж қилиш охирига яқинлашмоқда. Яна саиқчи кунлардан сўнг бу улкан нурхона ўзининг дастлабки тоқини беради. Умуман унинг қурилиши эса келгуси беш йилдаги тугалланади ва қуввати 2 миллион 400 минг киловаттга ташкил этади. Шу кунларда эса 1-энергоблоти монтаж қилинида иштирок этаётган кўпгина бунёдкорлар юқори

меҳнат уюмдорлигига эришмоқдалар. Суратларда: Виктор Перов (чапдан ўнгга), Николай Анкеев ва Радик Утайеволар 1-энергоблоти монтаж қилмоқдалар (чапда), 2-Ангрн ГРЭСи қурилиш бошқармасининг Т. Абдурашидов бошчилигидаги илгор-комплекс бригадаси аъзолари А. Алиев (чапдан ўнгга), Т. Абдуллаев, К. Ҳакимов, прораб Б. Ҳалимбетов, С. Бегимов, бригадир Т. Абдурашидовлар (ўнгда). Бригада аъзолари топшириқни 1,5 бараварга етказиб бажармоқдалар.

В. Казанцев фотолари. (ЎзТАГ).

ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ ТАМОМЛАНМОҚДА

Республикамиз пойтахтининг барча бурчакларидан кўзга яққол ташланиб турган бу нобъ объект-телевизион миноранинг ишга туширилишини ҳамма орзиқиб кутмоқда. Унинг фойдаланишига топшириқ билан телевизион кўрсатувлар сифати янада яхшиланади. Жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейи муносабати билан бўладиган тантаналар шу телеминора орқали бутун республикамизга кўрсатилади. Қурилишда қатнашаётган барча бинокорлар ва монтажчилар унн юбилейига фойдаланишга топширишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам бу ишга озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Биз объектнинг дастлабки цикл ишлари бошланган пайдан бери шу ерда меҳнат қилаямиз. Шу-шу унинг деярли барча иншоотларини барпо этишга қўлимиз тегади. Ишнинг бригада пудрати асосида ташкил этиш муваффақиятларимизнинг салмоқли бўлишини таъминлашди. Барча бинокорларимиз ишлаб чиқариш интизомига қатъий амал қилмоқдалар, ҳамма иншоотларнинг тез ва сифатли қурилишига алоҳида эътибор беришди. Кўпчилик бинокорларимизнинг бир нечадан касб эгаси бўлиши меҳнат уюмдорлигининг юксалишини таъминламоқда.

Шу кунларда телевизион минора қурилишида пардозлаш ишлари ниҳоятга етказилмоқда. 200 метр баландликда шундай ишларни олиб бораёلمиз. Иш шариоити анча мураккаб бўлишига қарамай меҳнатимиз кўрсаткичлари камаймапти. Чунки қурилиш ишлари ниҳоятга етган сари бинокорларимиз янада гайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Шу туфайли ҳам бригадамизнинг ўртача иш кўрсаткичлари 150 процентдан ортиқроқни ташкил этмоқда. Янги кунлар ичиде сайқаллаш ишлари ниҳоятга етказилди. Миноранинг биринчи қаватини безаш ишлари тугалланади. Сўнгга атрофдаги майдонлар тартибга келтирилиб, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар экилади, бу ер вақти келиб тошкентликларнинг яна бир ажойиб дам олиш хйёбонига айланади.

Телевизион минора бизнинг кутлуг санага муносиб тўғна-миз бўлади. П. КОСТЕНКО, 11-Висотстрой трести комплекс бригадаси бошлиғи, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор.

МУСОБАҚАДОШ КОЛЛЕКТИВЛАР ҲАММАСИ ЎРТАДА

Биринчи ва иккинчи йиғирув-тўқув фабрикалари Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг етакчи бўлимларида ҳисобланади. Корхона коллективини олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши маълум даражада ана шу икки фабрика ишчи-хизматчиларининг меҳнати ҳам болғик.

Бунда иккала коллектив ўртасида йўлга қўйилган ва аниқ-анага айланиб қолган социалистик мусобақа ҳам катта роль ўйнамоқда. Бир неча йил илгари бошланган меҳнат беллашуви мусобақадеш коллективлар фаолияти кўрсаткичларининг яхшиланишига ижобий таъсир этмоқда. Чунки улар ҳар соҳада ҳамкорлик қилмоқдалар. Илгор иш усуллари ва тажрибани ўртада баҳам кўришди. Мусобақа давомида пайдо бўлган янгиликларни ўзаро ўртоқлашмоқдалар.

Шу йилнинг ўтган даврида эса пландагидан ташқари реализация қилинган маҳсулот миқдори 700 минг сўмликдан ошиб кетди. Бу ваъдада назарда тутилгандан ўн баравардан зиёд кўпдир. Йил давомида қўшимча 150 минг метр хомсўрп ишлаб чиқаришга еҳд қилган тўқувчиларнинг ҳозирги вақтгача пландагидан ташқари тўқиган газламаси 900 минг метрдан ортди.

Пешқадам фабрикада меҳнат уюмдорлиги ҳам тез сўзатлар билан юкселмоқда. Ў ўтган йилнинг шу даврида-гига нисбатан салкам олти процент кўпайди. Маҳсулот таннархининг арзонлаштиришида ҳам мувайн ютуқларга эришилмоқда. Йил бошдан бери таннархнинг камайиши процентини ташкил этди.

Иккинчи йиғирув-тўқув фабрикаси коллективининг ҳам меҳнат натижалари салмоқли бўлмоқда. Фабрикаларнинг цехлари, участкалари, смена ва бригадалари, ишлаб чиқариш илгорлари ҳам ўзаро мусобақалашмоқдалар. Кейинги вақтларда цехлар ўртасидаги меҳнат беллашувида иккинчи йиғирув-тўқув фабрикасининг иккинчи цехи коллективи пешқадамлик қилмоқда. Бригада-лар ўртасидаги меҳнат беллашувининг ҳам ўз ғолиблари бор. Пешқадам, 1-фабриканинг В. Коростелев бошчилиги қилаётган бригада аъзоларининг меҳнат календарига 1987 йил бошланганига анча бўлди.

Мусобақадеш коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш учун иш сўратини кун сайин оширмоқдалар.

З. ДУСТМУХАМЕДОВА, комбинат ходими.

«АХАНГАРАНЦЕМЕНТ»

БИРЛАШМАСИ

Цемент, асбоцемент қурувлари ва шиферларнинг қимматли бинокорлик материаллари оналити ҳаммага мат-лум. Йил сайин кенгайиб бораётган капитал қурилиш миқёсларини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай материалларга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлиги ҳам шундан-дир.

Бироқ, областимизда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга даъват этилган энг йирик корхона «Ахангаранцемент» бирлашмаси йе-янгйи йилларда оқсамолди. Корхона коллективи бу йил ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш топшириқларини сўруш-касига ушлайди олмапти.

Коллективнинг ўн биринчи беш йиллик тўртинчи йилдаги иш натижалари шун-

дан далолат бериб турипти. Социалистик мажбуриятлар бажарилмагани ҳолда қонун кучига эга бўлган давлат плани ҳам ўлда-қўлда қолиб кетмоқда.

Ўтган саники ойда областимиз бўйича цемент ишлаб чиқариш топшириғи бажариламлигининг асосий сабаби ҳам худди шунда. Бу муҳим қурилиш материални тайёрлаш плани 97,1 процент бажарилиб, белгилангандан 49,8 минг тонна цемент кам ишлаб чиқарилибди. «Ахангаранцемент» бирлашмаси коллективи эса шу даврда давлатдан 54,6 минг тонна цемент қўлиб қолди. Кўпгина объектлар қурилиш шундай материал етишмаслигидан сусаймоқда.

Бирлашма тугалган шартнома бўйича маҳсулот етказ-

Қолоқ корхоналарни маълум қиламиз

этиб беришга ҳам барбод этмоқда. Цементчилар унда назарда тутилгандан 1,9 миллион сўмлик кам бинокорлик материаллари етказиб беришди. Товар маҳсулоти ишлаб чиқаришда эса сал кам бир миллион сўмлик орқада қолмоқда. Корхонада маҳсулот таннархи ҳам ортиб бормоқда. Ўтган саники ойда бундан қурилган зарар беш ўз минг сўмликни ташкил этди.

Тармоқнинг етакчи корхонаси ишидаги бундай нуқсонларнинг содир бўлиш сабаблари турли-тумандир. Аввало, меҳнат, ишлаб чиқариш ва технология интизомига қатъий амал қилмаслик, мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан фойдаланишдаги нуқсонлар шунга олиб келди.

Масалан, асосий агрегатлар — айланама печларни ишлатишни олиб қўрайлик. Чунки, маҳсулот ишлаб чиқариш учун асосий хомашё — клинкер шу печларда қуйирилади. Демак, цемент тайёрлаш ҳажми асосан бу ускунадан қанчалик оқилона фойдаланишга болғик. Ленин, шунга қарамай, бу агрегатлар тўла қувват билан ишлатилимапти. Норммага мувофиқ айланма печ ҳар соатда 45,3 тонна маҳсулот

бериши керак. Амалда бундай бўлмапти, унда бориғи 41,1 тонна клинкер қуйирилади.

Асбоб-ускуналарнинг техник қаровини ташкил этиш ҳам камчиликлар содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида айрим агрегатлар ишлаш давомида бузилиб қолмоқда, унн бартараф этиш учун қўшимча ишчи кучи ва вақт сарфланмоқда. Учинчи тегири-монда шундай аҳвол содир бўлди. Бу агрегат тўсатдан ўтхат қолди. Унинг қасд-лигини билиш ва қайта ишга тушириш учун 120 машина-соат вақт кетди. Бешинчи педанти капитал ремонт қилиш муддати ҳам қўзиб юборилди. Бунинг учун 384 машина-соат сарф бўлди.

Бирлашма цехларида ишлаб чиқариш шартларини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирлар суст амалга оширилмоқда. Бу ишчи кучи қисқисизлигининг кам-майишига тўқисилиб қилмоқда. Ўнлаб ишчи-хизматчилар бўшаб кетмоқда, натижада айрим муҳим ишлаб чиқариш бўлимларини ма-лакали кадрлар билан таъминлашда қийинчиликлар вужудга келмоқда. Прогул, ишга кел келиб, барвақт кети қолмиш, маъмурий рухсат билан ишга чиқмаслик ҳоллари ҳам давом этмоқда.

«ЧИРЧИКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ

Бу қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонаси коллективининг меҳнат натижалари кўнгиладигек бўлмапти. Машинасозлар давлат планларини ой сайин барбод этмоқдалар. Корхона шу йилнинг ўтган ойларида бирор марта ҳам топширини бажармади. Бу олат тусига айланиб қолаётганлиги афсусланарли бир ҳолдир.

Коллективнинг буюртмачилар олдидаги қарзи тобора ортиб, ҳозиргача бир миллион 800 минг сўмликка етди. Асосий маҳсулот, култиваторлар ишлаб чиқариш етди. Асосий маҳсулот, култиваторлар ишлаб чиқариш етди. Асосий маҳсулот, култиваторлар ишлаб чиқариш етди. Асосий маҳсулот, култиваторлар ишлаб чиқариш етди.

Корхонада мавжуд асбоб-ускуналарни планли-олдиндан ремонт қилишининг бажарилиши устидан ҳам аниқ ва пухта назорат олиб борилмапти. Оқибатда айрим станоклар белгиланган вақтда ремонт қилинмай, ишдан чиққунча ишлатилмоқда. Уларни тўзатиш эса қимматга тушмоқда. Дастгоҳларнинг ҳолатига нисбатан ишчи-хизматчилар ҳеч қандай масъулият сезмайдилар. Вақоланиб, бу муҳим юмуш уларнинг бурчи бўлиш керак эди. Заводнинг асбобсозлик хўжалиғи ҳам ишдан чиқаришининг ошиб кетган талабига жавоб бермай қолди.

Бундай қолоқликнинг асосий сабаблари мавжуд ишлаб чиқариш, айниқса, янги ишга туширилган қувватлардан самарали фойдаланилмаётганлигидир. Ҳозирги вақт-

